

**КИМЁ ФАНИНИ ЎРГАНИШДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ**

(“Спиртларнинг умумий хусусиятлари” мавзуси мисолида)

Отежанова Гулзабира Қурбанбаевна

Нукус шаҳар 2-сонли касб-хунар мактаби кимё фани ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада дидактик ўйинлар асосида кимё фанининг мураккаб мавзуларини тез ва осон ўрганиши методикаси борасида сўз юритилади.

калит сўзлар: спирт, этил спирти, бутил спирти, углеводлар, дидактик ўйин

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва фан соҳасида инновацияларни ривожлантириш, хусусан, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини тизимли амалга ошириш” [1] устувор вазифа сифатида белгиланиб, бу борада кимё ўқитувчилари кимёни ўқитишида ўқувчиларни кимёга боғлиқ касбларга йўналтиришда интегратив ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш технологияси методик таъминоти, фаолиятга оид компетенциялар тизими ва циклик диагностикаси механизмларини такомиллаштириш бутунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнининг сифати кўп жиҳатдан ўқитиш метод ва технологияларни тўғри танлашга боғлиқ. Ўқув жараёнининг қайси метод технологияларда ташкил этишида эҳтиёткорлик зарур. Биз кўпинча анъанавий ва ноанъанавий усулдаги дарслар борасида кўп бош қотирамиз. Айни дамда фан нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда эътироф этадиган бўлсак, касб-хунар мактабларида кимё фани бошқа фанларга қараганда анча мураккаб фандир. Шу

боис уни ўқувчилар зерикмасдан, тез ва осон ўрганиб олишлари учун дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кимё аслида муҳандислик, соғликни сақлаш, астрономия, биология ва геология каби бир қатор билимларни қамраб олган асосий фан ҳисобланади. Касб-хунар мактабларида ҳам кимё фанлари ўқувчиларга дунёни “кимёвий” нуқтаи назардан тушуниш ва муҳим тушунчаларни ўрганишда ёрдам берадиган ноёб имкониятларни тақдим этади. Ўқувчиларни кимё билан боғлиқ касбни мустақил танлашга тайёргарлик жараёнида касбга йўналтиришнинг хилма-хил шаклларидан фойдаланилади. Кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги объектларига ишлаб чиқариш экскурсияларини ўтказиш; илгор ишчилар, техник ходимлар, муҳандислар чиқишилари билан касб танлашга бағишлиланган кечалар, конференциялар, баҳслар тайёрлаш ва ўтказиш; кимё тўгараги ишини ташкил этиш; кимёгар олимларнинг илмий фаолиятига бағишлиланган кимёвий кечалар ва бошқалар [2].

Дидактик ўйинлар-хар қандай фанни ўқитишида таълим бериш вазифаларини ҳал этиш мақсадида ўйинли вазият яратган ҳолда билим олиш учун фойдаланиладиган топшириқлардир. Улар ўқувчи ва талабаларнинг мантиқий фикр юритиши ва топқирлигини кучайтиради ҳамда уларнинг фанга ва янгиликларга қизиқишини орттиради. Бундай ўйинларнинг кимё таълимида ҳам яхши самара бериши маълум [3]. Афсуски, аксарият касб-хунар мактабарининг кимё ўқитувчиларида бундай ўйинларнинг сценарийларини тузиш ва улардан амалда фойдаланиш малакаси етишмайди. Шу боисдан таклиф қилинаётган мазкур дидактик ўйинлар касб-хунар мактабида кимё курсини ўқитишига мўлжалланган бўлиб, уларни қўллашдан асосий мақсад ўқувчиларнинг ўз иқтидори, қизиқиши, билими ва ўзлигини намоён этиш, ижодий ёндашув ва мантиқий фикр юритиши, жамоавий мулоқот қилиш маданиятини шакллантиришдан иборат.

Ушбу мақолада кимё ўқитишида фойдаланиш мумкин бўлган дидактик ўйинларнинг айримларини “Спиртларнинг умумий хусусиятлари” мавзуси доирасида ўрганамиз.

Углеводородлардаги битта ёки бир нечта водород ўрнига «ОН» — гидроксил группасининг алмашинишидан хосил булган органик бирикмаларга спиртлар дейилади. Гидроксил группанинг сонига қараб спиртлар бир атомли, икки атомли, уч атомли ва ҳоказо қўп атомли бўлишлари мумкин.

“Кимёвий эстафета” ўйини

Спиртлар	CH ₃	CH ₂		
Бир атомли спиртлар				
Икки атомли спиртлар				
Уч атомли спиртлар				

“Учинчиси ортиқча”. Ўқувчиларга уч хил спирт турлари номлари ёзилган халқалар берилади. Масалан, этил спирти, метил спирти, бутил спирти ва х. Улар бу учликлардаги спиртларнинг ўхшашларига “+”, “бегона”, яъни “ортиқча”сига эса “-“ ишорасини қўйишлари лозим бўлади. Энг тезкор ва тўғри жавоб берган ўқувчи ғолиб бўлади.

“Ёнмайдиган қўлрўмолча”. Бунда ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш мақсадида гурух билан ишлишига ижозат берилади.

Топшириқ: Керакли жиҳоз ва реактивлар: *Буғлатиши косачаси. Болалар қўлрўмолчаси. Тигел ушлагич. Ацетони этил спирти. Сув. Гугурт. Қўлрўмолча “сув” билан ҳўлланади. Уни тигел ушлагич билан ушлаб, ёниб турган гугурт чўпига тутилса, рўмолча ўт ичида қолади. Бир оздан сўнг ўт ўчади, аммо рўмолча ёнмаган бўлади. Бу тажрибанинг сири нимада?*

Бундай топшириқларни бажариш жараёнида олинган билимларни мустаҳкамлаш, уларни тизимлаштириш ва улардан амалда фойдаланишдек ўкув мақсадларига эришиш мумкин. Уларнинг имкониятларидан иложи борича тўла фойдаланиш эса долзарб педагогик муаммодир.

Демак, дидактик ўйинлар самарадорлиги шундаки, у назарий ва амалий моҳиятга эга бўлиб, у асосида ўқувчиларнинг фаоллиги ортади, фикрлаш доираси кенгаяди. Ўқув дастурида режалаштирилган билимлар енгил, осон ва қизиқарли ўзлаштирилишига эришилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. *Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари.*

Тошкент: F.Гулом номидаги НМИУ, -70 б.

2. *Буринская Н. Н. Учебные экскурсии по химии. – М.: Просвещение, 1989. – 158с.*

3. *Сахаров В. Ф., Сазонов А. Д. Профессиональная ориентация школьников. – М.: Просвещение, 1982. – 192с.*

4. *Омонов Ҳ.Т., Рахматуллаева Г.М. Мароқли кимё. – Тошкент: Адабиёт учқуни, 2015. – 222 б*